

Сўнгги йиллар, ўзбек ёшлиги, тараккийпарварлигининг бир мунча чолишкон, пок кўнгиллик йигитларини — ер таги оламига судраб олиб кетди. Хаммасини бир-бир санаб эсдан ўткармак шу чокда мумкин бўлмагонлиги учун, юзакигина бир ўй юргизиш билан хам Аъламуф, Исмоилзода, Султонуф, Собир Гафур ва бошқалардан чизилгон бир катор теграли садаф доналарини кўрмак мумкин бўладур. Махмудхўжа отамиз билан Муфтизода Абдирахмон ва Аъзамжонлар садаф доналарининг имоми бўлуб кетдилар. Айникса, Махмудхўжа отамиз билан бир каторда тургон Мирзо Фозил (ўшлик), тарихимизга кайтиб кетган хар бир чоғимизда ўзини сездириб кўядир.

Вақти билан чорнинг темир кўллик жондори билан курашиш даврида, шу бир ховуч ботурлар, не самимий, не берилган йигитлар эдилар. Ўлганларнинг ўрнига юзлар, минглар билан ўринбосарлар етишиб, кўнглимизга умид ёғдулари ёғдиргон тунларда-да кетганларнинг хотиралари кўб аччиғ ва захарлик таъсир этмақдадир.

Хўканддан келган ўшандок йигитларнинг бири ёна икки йўлдошнинг орамиздан йўқолгонлигини хабар берди. Яқин орада Хўканд ва умуман Фаргона ёшларининг катта оталари, боболари хукмида бўлгон домла йўлдош Мавлавий билан ишлик ёшлардан ва тараккийпарпар шоирлардан Иброхим (Даврон) вафот этганлар.

Домла йўлдош Мавлавий — Туркистон ва умуман ислом уламоларининг хакикатга карши кўр бўлишларидан таъсирлангани холда ўзининг табиати асари ўларок бошка ёшлар каби улар билан курашишлиқдан ожиз бўлгонлигидан бир чеккага узлат килиб, чикиб кетган олимлардан эди. Хўканддаги «Усули жадида» харакатига бошдан-оёк оралашкон бу мухтарам зот, хур фикрли ва ринд каландар бир киши эди. Ўзи сўнг чокларига қадар дарс айтишини ташламагон бўлса-да, бошка кўб мударрислар каби шу восита билан Корун хазинасини тўпламок каби йўлга хам кетмаган эди. Бурундан бери йўқсул ва кашшокларча яшаб келди, ўлганида хам мерос номига бир нарса хам колдирмагон. Хатто, ўзи огрик экан... огрикдан тузалиш чораларини хам кўрмаган ва истамаган.

Юртимизнинг илмсизлик орқасида кетиб боргон йўлининг охири кандог кўркинч эканини ортик чуқур тушунар эди. 13—14-йилларда зиёратига кирганимда шу масаладан кўплаб гаплашиб ўлтуриб «мен бу кетишимиздан кўб кўркаман», деган эди. Ўшал вақтдаги ахвол ва шароитни яхшилаб билган кишилар бу сўзнинг дахшатини кўб чуқур тушунар эдилар. 63 ёшинда вафот этгаи бу зот, араб адабиётининг улуг олимларидан эди, шу адабиёт бахслари устида «Шўро» мухаррири Ризо кози билан мухорабаси бор эди. Туркча (ўзбекча) ва форсча шеърлар хам айтар шеърда (Жовид) отини кўллар эди.

Мархум Хўканд ёшлари тарафидан шаънига лойик бир суратда дафн этилган ва асарларини текширмак учун ёш уламолар томонидан 3 кишилик бир хайъат юзага чиқарилгон.

Иброхим Даврон — (Аъзамхон Иброхим ўгли) 48 ёшида вафот этган. Бу йигит Хўканд ёшлари орасида нашриёт ишлари билан танилгон бир киши бўлуб инкилобгача Хўкандда янги китоблар ва газеталарни таркатар ва ёзгучилик билан шугулланар эди. Унинг «Миллий жумбоқлар» ва «Ашъори нисвон» отлик босилган икки асари бордур. Аввалгиси бизнинг миллий тобишмоқларимизни тўплагон бир асар бўлуб, иккинчиси ўзбеклардан етишган баъзи бир шоираларнинг шеърлар мажмуаси эди. Улуг ахамиятга эга бўлгон сўнгги асари, таассуфга қарши майдонда кўрулмайдир. Холбуки, Арбобий томонидан текширилатургон бир нарса эди.

Мархум расмга ҳам хаваслик бўлуб, ўз асарлари учун расмлар ишлаган ва 1914 йилда Туркияда ҳам саёхат этгандир.

«Садойи Туркистон» газетасининг доимий ёзувчиларидан бўлуб, унда шеърлар ёзгучи эди. (1914). Буда кўп йўқсуллик билан ўлган.

Унинг бир жуфт шеъри эсимда қолгонким, ўкумагонликга қарши ясалгон бу исён — (ўз вақтида) кўб катта исён эди (ўзича).

*«Жохил падарим, жохил модар эса мутлок Хайрон қолурам қуфр айлайман орасинда».*